

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА

Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш 5

М.АБДУМАННОПОВ

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала..... 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш. ХОЛДОРОВ

Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида 14

КИМЁ

Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ЙИЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ

Кортекснинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш..... 20

Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ

Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези 24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ

Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг *Schizothorax curvifrons* (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти..... 27

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ

Ўрта Осиёдаги тўғонли қўллар ва уларнинг генезиси ҳақида..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ

Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири 36

А.ҒОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба..... 40

ТАРИХ

С.ХОШИМОВ

Шўро ҳокимиятининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан 45

Б.УСМОНОВ

Чуқалак жанги 49

Х.ЖЎРАЕВ

Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. (“Туркистон тўплами” манбалари асосида)..... 53

С.ИУЛДОШЕВ

Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили..... 56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

У.НАЗИРОВ

Этномаданият ривожда анъананинг ўрни..... 60

УДК: 10(09)+170

ЭТНОМАДАНИЯТ РИВОЖИДА АНЪАНАНИНГ ЎРНИ

У.Назирова

Аннотация

Мазкур мақола этномаданият ривожидан анъана ва урф-одатларнинг ўрни ва унга давлат сиёсати даражасидаги эътибор ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг маданий асослари фалсафий таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируется, с философской точки зрения, внимание, оказываемое государством традициям и обычаям, а также культурные основы научно-исследовательских работ.

Annotation

This article focuses on customs and traditions at the level of state policy in the development of ethnoculture and the philosophical analysis of the cultural foundations of scientific research.

Таянч сўз ва иборалар: қадрият, миллатлараро муносабат, этнос, анъана, халқ анъанаси, ахлоқ, анъанавийлик (традиционализм).

Ключевые слова и выражения: ценности, межнациональные отношения, этнос, традиции, народные традиции, нравственность, традиционализм.

Keywords and expressions: values, international relations, ethnos, traditions, traditions of the people, morality, traditionalism.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”нинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майда қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган.

Унда бир неча устивор вазифалар белгилаб қўйилган бўлиб, белгиланган устивор вазифаларни бажариш учун Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини ташкил этиш белгилаб қўйилди [1].

Қўмитанинг асосий вазифаларидан бири сифатида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда қўмаклашиш ва бевосита иштирок этиш бош устувор йўналиш этиб белгиланди. Бизнингқуйидаги тадқиқот ишларимиз ҳам миллатлараро тотувликни таъминлашда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг илмий-фалсафий асосларидан бири бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Этник маданият ҳар бир халқ, миллат, этноснинг ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида яратган ўзига хос моддий, маънавий, маърифий ва маърифий бойликларини, оламни идрок этиш, ўзлаштириш ва ўзгартириш тажрибаларини ўз ичига олади. Ушбу бойликлар ва тажрибаларни ўрганмасдан, улардаги ижобий томонлардан унумли фойдаланмасдан туриб

миллий-маданий тараққиётни таъминлаш қийин.

У.Назирова – ФарДУ фалсафа кафедраси 1-босқич таянч докторанти.

Ўрта Осиё, олим И.Жабборовнинг қайд этганидек, “ўзига хос тарихий-этнографик ва хўжалик-маданий типлар яратган минтақа” ҳисобланади. Унда яшовчи элатлар турли тил ва турли маданий-хўжалик типларга эга бўлсалар-да, тарихда доим яқин муносабатда бўлиб келган ва умумий этник илдизга эга. Шу жумладан, ўзбек халқи этномаданияти ҳам табиий равишда, Ўрта Осиё минтақасида яшаётган қардош халқлар этномаданияти билан бир ижтимоий-тарихий негизга эга, моҳиятан яқиндир. Буни Жанубий Туркменистон, Жанубий Қозоғистон, Тянь-шань-Помир этаклари, Каспий денгиз соҳиллари, Марказий Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида топилган археологик топилмаларнинг ўхшашлиги ҳам кўрсатади.

Этномаданият этногенезда муҳим омилдир. Бирор-бир этноснинг ташкил топишида моддий маданият, иккинчисининг ташкил топишида тил бош роль ўйнаса, учинчисида анъаналар ва урф-одатлар муҳим бўлиши мумкин, бироқ унинг барча компонентлари бир вақтда тўла намоён бўлавермайди. Этноснинг ижтимоий-тарихий тараққиётда муҳим ўрин олиши билан этномаданий белгилар кенгроқ кўзга ташланадиган ва этноснинг хусусиятларини тўлароқ ифодалайдиган бўлади. Этномаданиятнинг ўзига хос хусусиятларини моддий ва маънавий, ижтимоий, бадиий-эстетик, ахлоқ, хулқ-атвор, имо-ишора, маиший ҳаёт, каби кўринишларга ажратиб ўрганиш мумкин. Ҳар бир ижтимоий-тарихий ривожланиш босқичлари этномаданиятларнинг подсистемаларига ҳам, функцияларига ҳам таъсир кўрсатиб, уларда умумий (умуминсоний) ва хусусий (миллий, этник) белгиларни юзага келтирган.

Ўзбек халқи этномаданиятидаги умуминсонийлик ва миллийлик бир-бирига диалектик боғлиқ ва узоқ ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган субэтни-этник системаларнинг ўзаро алоқалари ва функционал белгиларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади” [2.10].

Этник маданиятга жамият ичидаги элатлар, ҳудудий миллий гуруҳлар, ўзининг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилган уюшмаларга тааллуқли қадриятлар, урф-одатлар, моддий ва маънавий бойликлар кабилар киради. Этник маданият чекланган доирадаги этник уюшмаларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ифодалаб келгани учун улар этномаданиятни ранг-баранглаштириб, маълум бир ички қонунларга мувофиқ давр талабларига мослаштириб туради. Масалан, ўзбек этномаданияти ичидаги анъана бўлиб қолган хоразмликларнинг ўзига хос тил ва муомала маданияти, наманганликларнинг сертакаллуфлиги ва меҳмондўстлиги мисол бўлиши мумкин. Худди шунингдек, этномаданиятга айрим гуруҳлар (ёшлар), касб эгалари (ёзувчилар, мусаввирлар ва б.), аҳоли қатламлари (кекса кишилар, аёллар ва б.), тадбиркорлар ва ишбилармонлар, спортчиларнинг ўзига хос хулқ атвори, фикрлаши, турмуш тарзи, қизиқишларини киритсак ҳам бўлади.

Миллийлик ва умуминсонийлик “миллий дифференциация ва интеграция”, маданий-информацион ва иқтисодий алоқалар, халқаро қадриятлар ва ҳуқуқ нормалари, фан ва техника тараққиёти, глобал муаммолар таъсирида ҳам этномаданиятнинг барқарор хусусиятларига айланади.

Ўзбек халқи этномаданияти азалдан ўзида инновацияларга мойилликни сақлаб, уни ривожлантириб келган. Бу эса унга дунё халқлари билан интеграцияга киришиб тараққий этиш имконини берган. Шу билан биргаликда, ўзбек халқи ўзининг тарихий-маданий парадигмаларини ҳам асраб келган, уларни ташқи таъйиқлар туфайли йўқолиб кетишига йўл қўймаган.

Этносни шаклланиши ва ривожланиб бир неча миллатларнинг уйғунлашиб кетишида анъаналар, урф-одатлар алоҳида аҳамиятга эга. Анъана-тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида, кишилар онгига сингган, (умум ёки маълум гуруҳ томонидан) қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуи ҳисобланади.

Анъана барча этнослар ҳаётида асосий ўринлардан бирини эгаллаб, аждодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш воситасидир. У муайян

ижтимоий тартиб-қоида, одоб-ахлоқ меъёрлари сифатида намоён бўлади.

Дунёдаги барча халқларнинг анъаналари табиат, иқлим, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, турмуши, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб боради.

Халқ анъаналари-узоқ тараққиёт жараёнида этносларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида, атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий этган ва асрлараро аждодлар фикрлари, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа кадриятларини мужассамлаштирган бебаҳо ижтимоий- маданий меросдир.

Анъаналар:

- табиий, тарихий, табиий, ижтимоий, маънавий эҳтиёж асосида вужудга келади;

- ўз моҳияти ва хусусияти, мазмуни ва шаклига эга бўлиб, бошқа ҳодисалар билан чамбарчас боғланиб кетади;

- халқ ҳаётида ўз ўрнини топиб, турмушнинг таркибий ажралмас қисмига айланади, омма томонидан тан олинди, эъзозланади;

- маънавий - тарихий эҳтиёж сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади тараққий этади;

- маълум муддат ва шароитда такрорланиб туради;

- жамият равнақиға, инсонларнинг баркамол бўлишига хизмат қилади.

Инсонларнинг турмуш тарзи миллий, маданий, ижтимоий-сиёсий, диний ва ҳоказо анъаналарнинг шаклланишига олиб келган. Шу боис анъана инсон фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўлади. Улар кишиларнинг барча соҳадаги ютуқлари, энг яхши тажрибаларини сақлаш, авлодларга етказиш ва халққа хизмат қилишига кўмак беради.

Илмий адабиётларда, ҳаётда анъанани аҳамиятини янада ошириш мақсадида

анъанавийлик (*традиционализм*) тушунчаси қўлланилади.

Одатда анъаналар иккига бўлиб ўрганилади:

а) инсоният тараққиёти учун хизмат қиладиган ижобий анъаналар;

б) тараққиётга ғов бўладиган зарарли анъаналар. Улар инсон онгини қашшоқлаштириб, уни “манкурт”лашишига олиб келади.

Жаҳон олимларининг аксарияти анъаналарга ижобий муносабатда, баъзилар ҳатто инсониятни фақат анъаналар асосида яшашга чақирадилар. Аммо “Замон ва макондан ажралган ҳолда анъанавий тафаккур асосида мавҳум идрок этиш, кўпинча, ақидапарастликни ҳам вужудга келтиради” [3.32]. Улар ўз анъаналари орқали ўз ғоя ва манфаатларини тарғиб қиладилар ва одатлар орқали ўз мавқеини сақлашга интиладилар.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, хориждан кириб келаётган мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва кадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада оммавий ахборот воситалари, радио, телевидения каналлари орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсат инсониятнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-технологик тараққиёт борасида тўплаган ижобий тажрибасини астойдил ўрганган ҳолда, биринчи галда, давлатчилик анъаналаримиз, миллий кадриятларимиз, бой маънавият ва маданиятимиз негизда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий ахборот портали. 22.05.2017. <http://uza.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Фалсафа: қомусий луғат. – Т., 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).